

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ ФАСЛИ БАҲОР – НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 20 март • № 12 (929)

Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ислом КАРИМОВ.

### Азиз тиббиёт ходимлари!

Сизларни баҳорий байрам, гўзаллик, ёшлик ва янгиланиш айёми – Наврўзи олам билан самимий табриклаймиз.

Энг қадимий ва ҳар биримиз учун қадрли бўлган Наврўз қалбларга нафосат, янгиланиш ва юксалиш нафаси ила кириб келгани, шубҳасиз, бетакрор ҳис-туйғуларимизни уйғотиб юборади.

Она табиатда бугун баҳорий кайфият ва мафтун-корлик. Наврўз – бу меҳр, саховат, фаровонлик, сеҳрли кучга эга эзгулик байрамидир.

Тиббиёт ходимларининг халқимиз саломатлиги йўлидаги фидолиги меҳнати, азалий қадриятларимиздан бири бўлган атроф-муҳит ободончилигига бераётган эътибори 16-17 март кунлари уюшқоқлик билан ўтказилган умумхалқ ҳашарида яна бир бор яққол ифода топди.

Муҳтарам юртдошлар ва ҳамкасблар!

Наврўзи олам билан дилдан қутлаб, хайрли ишларингизда омадлар тилаймиз. Ҳамиша соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик сизларни тарқ этмасин. Баҳорий кайфият ва хурсандчилик доимий ҳамроҳингиз бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги.



### Болалар спорти

## ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК АСОСИ

Жорий йилнинг 15 март куни Оқсаройда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Юртбошимиз ўтган ўн йил мобайнида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишлар ўзининг самарасини бераётганини таъкидлаб, соҳа тараққиёти янада юксалтирилиши ёш авлод баркамол вояга етиши, соғлом келажак сари ташланаётган муҳим қадамлардан бири эканлигига урғу берди.

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён барпо этилган 1113 та объект, жумладан, 252 та

спорт мажмуаси ва 861 та спорт залларидан 84 фоизи қишлоқ жойларида қурилгани муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, 262 та спорт иншооти реконструкция қилингани ва капитал таъмирлангани, бу мақсадлар учун 570 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида қайд этилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 92 та спорт объекти, 16 та сузиш ҳавзаси қурилган ва реконструкция қилинган.

Эътироф этиш керакки, юртимизда болалар спортини ри-

вожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида қара-либ, бу борада кўпгина самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, замонавий қиёфа касб этган спорт объектларини ўзимизда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозлаш изчиллик билан давом эттирилмоқда. 120 турдаги спорт инвентари ва ускуналарнинг 114 таси маҳаллий тарзда ишлаб чиқарилаётгани соҳада эришилган муҳим натижалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини янада кенгайтириш, уларнинг

(Давоми 2-бетда).

## ГУЛЛА, ЯШНА, ТИНЧЛИК БАҲОРИ!

Фаслларнинг ёш келинчаги,  
Эзгуликнинг зар беланчаги,  
Истиқлолнинг гули, чечаги,  
Хуш келдинг эй, Наврўзи олам!

Дошқозонга ўт, олов ёқиб,  
Сумалак-ла дилга хуш ёқиб,  
Чаккамизга бинафша тақиб,  
Хуш келдинг эй, Наврўзи олам!


Сен келганда, яшарар дунё,  
Қорлар эриб, тошар сув, дарё,  
Офтоб сочар майин нур, зиё,  
Хуш келдинг эй, Наврўзи олам!

Кўйилар чек уруш-жанжалга,  
Ўртадаги гина-аразга,  
Адовату ҳасад, ғаразга,  
Хуш келдинг эй, Наврўзи олам!

Кўк сомсалар ёпилар яна,  
Ҳар гўшада тўю тантана,  
Этар давом қадим анъана,  
Хуш келдинг эй, Наврўзи олам!

Гулла, яшна, тинчлик баҳори,  
Эллараро дўстлик наҳори,  
Искандарнинг юзи, виқори,  
Хуш келдинг эй, Наврўзи олам!

Искандар РАҲМОН.



Халқимизнинг миллий ва анъанавий байрами – Наврўзи айём барчанинг хонадонига қувонч ҳамда шодлик олиб кирсин!



## Болалар спорти

## ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК АСОСИ



сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрда

(Давоми. Боши 1-бетда).

қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари бу борада муҳим дастуриламал

бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини мажмуавий ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Мажлисда қизларни спортга жалб этиш борасида катта натижаларга эришилгани айтиб ўтилди. 2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони 2003 йилга нисбатан 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларида 1,3 баробар ўсди. Бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ва бошқа спорт турлари билан шуғулланаётган қизлар сафи сезиларли даражада кенгайди.

– Мен ишонаман – бугун бутунлай янги шароитларда ўсиб, камол топаётган бизнинг болаларимиз, қизларимиз бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритишга албатта қодир. Шунинг учун ҳам бундай истеъдодли, навқирон фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватлашимиз, уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак, – деди Юртбошимиз.

Албатта, яратилган имкониятлар боис бугун йигит-қизларимиз жаҳон спорт майдонларида улкан ютуқларга эришиб, юртимиз шаъни ва байрогини баландга кўтармоқда. Ўтган даврда спортчиларимиз 363 та олтин, 282 та кумуш ва 277 та бронза – умумий ҳисобда 922 та медални қўлга киритишди. Жумладан, 2012 йилда спортчи йигит-қизларимиз 204 та медал соҳиби бўлишди. Шундан 81 таси – олтин, 61 таси – кумуш, 62 таси – бронза медалидир. Бу каби муваффақиятлар, энг аввало, фарзандларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом авлодни вояга етказишда янада кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

– Спорт билан оммавий равишда шуғулланиш болалар ва ёшларнинг характерини тоблайдиган, кучли, мард ва жасур бўлиб

камол топишига хизмат қилади, қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона енгиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялайди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради, – дейди давлатимиз раҳбари ўз маърузасида.

Йигилиш давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт объектлари, муסיқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш, малякали мураббийлар, айниқса аёл устозларни тайёрлаш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар натижалари атрофлича кўриб чиқилиб, келгусидаги устувор вазифалар ҳам белгилаб олинди.

## Байрам шукуҳи

## ҲАР БИР ҚАЛБДА НАВРЎЗИ ОЛАМ

**Мустақил Ватанимиз бўйлаб истиқлолнинг йигирма иккинчи баҳори кезмоқда. Барчамизга маълумки, янги йил табиатан март ойидан бошланади. Ушбу ой ёз, куз, қиш фасллариининг онабошисидир. Йил фасллариининг ичидан энг гўзал ва нозик бўлган баҳор ўзи билан Наврўзи оламни – янгилашни, саломатлик, меҳнат байрамини олиб келади. Кўёш ҳамал буржиги кириши, кеча билан кундуз баробар келиши Наврўз – Янги кун, Янги йилнинг бошланиши 21 мартдан 22 мартга ўтар кечасига тўғри келади.**

Неча мингйиллик тарихга эга Наврўзи олам – табиат ва баҳор, янги кун ва янги йил, яшариш ва янгилашни, деҳқончилик, чорвачилик ва дўстлик байрамидир. Баҳор, Наврўз байрамининг латофати шоирлар, мўйқалам усталарига илҳом бахш этади.

Биз ҳаммамиз Она табиат фарзандларимиз, шунинг учун табиатни ўз онамиздек эъзозлашимиз, авайлаб, сақлашимиз керак. Шунда у бизларга оналарга хос саҳийлик билан ноз-неъматларини ҳада этади.

Баҳор келиши билан кунлар исий бошлаб, шамол тезлиги ғоят ўзгарувчан бўлади, баъзан бир кеча-кундузда йилнинг тўрт фаслини эслатади. Об-ҳавонинг бундай ўзгариши инсон саломатлигига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қишдан баҳорга ўтиш даврида инсон организмда ҳар хил ўзгаришлар содир бўлиб, витамин, минерал моддалар, микро- ва макроэлементларга эҳтиёж оша боради. Бундай фаслий чарчаш, ҳолсизланиш, толиқиш ва айрим касалликларнинг кўзғалишини доно халқимиз орасида «илик узилди даври» ёки «инсоннинг қуввати дарахтларга ўтади» деган иборалар билан таърифланади. Буюк олим Ибн Сино «Баҳор – инсон умрининг шифобахш фасли» деб бежиз айтмаган, ўз навбатида, фаслий салбий ҳол-

оламнинг шифобахш марҳамати ўзгача.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан 1990 йил март ойида Наврўзни умумхалқ байрам сифатида нишонлаш расман эълон қилинди. 1991 йилдан буён бу байрам қадимий анъаналар асосида кенг кутиб олинмоқда. Наврўз билан боғлиқ “Сумалак сайли”, “Гул сайли”,

**Баҳорнинг бизга тақдим этаётган мўъжизалари кўп. Улардан бири яшариш, янгилашни ва эзгулик байрами – Наврўзи оламдир. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлашга йўл очилди. Уч минг йилдан зиёд тарихга эга Наврўз байрамида бизнинг қўллаб миллий урф-одатларимиз ўз ифодасини топган. Бу шукуҳли айёмда ҳар бир инсон ўзини табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, бу тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиб, мамлакат келажаги ва юрт ривожини учун ўз ҳиссасини қўшишни яна бир бор идрок этади.**

**Наврўз – меҳр-оқибат, дўстлик ва бирдамлик байрами ҳамдир. Бу байрамда ҳар бир инсон ўз яқинларига меҳр кўрсатишга, кексаларимизнинг дуосини олишга, бемор, кўнгли ярам кишиларга ёрдам кўрсатишга интилади.**

**Фурсатдан фойдаланиб, Наврўзи олам билан барчангизни самимий муборакбод этамиз. Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, хонадонларингизга файз-барака тилаймиз. Қалбингиздан қувонч ҳеч қачон аримасин.**

**Наврўз барчамизга қутлуг бўлсин!**

**Мадина ШАРИПОВА,  
Республика скрининг маркази директори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
соғлиқни сақлаш ходими.**

ларни енгиш учун турли хил дон, кўкат, мева ва сабзавотлардан тайёрланган миллий таомларни истеъмол қилишни уқтирган. Маълумки, бундай табиий ўсимликлар таркибида турли хил витаминлар, оқсил, эфир мойлари, темир, фосфор, кальций каби элементлар, бошқа биологик фаол моддалар мавжуд.

Баҳорнинг дилни руҳлантирувчи, кайфият бағишловчи, ҳаётбахш саховати ва муруввати бор. Кенг далалар узра сабзавотлар майса тўшалган, куртақлардан маржон тақувчи Наврўзи

“Лола сайли”, кураш, кўпқари каби қўллаб миллий ўйинлар, фольклор асарлар қайта тикланиб, айниқса ёшларимизни миллий ва умумбашарий ғоялар руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Ҳар йили уюштирилаётган умумхалқ ҳашари азалий қадриятларимиздан бири бўлиб, юртимиз аҳолисини бирдамликка ва ҳамжиҳатликка ундаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шу йил 6-17 март кунлари ўтказилган умум-



халқ ҳашарида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳлар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди. Ҳашардан тушган маблағ меҳр-мурувват тadbирларини бажаришга, кўмакка муҳтож инсонлар ва оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади.

Аждодларимиз Наврўз айёмида меҳр-мурувват, саховат кўрсатишни ўзининг шарафли бурчи деб билган. Бундай файзли кунларда жамки гина-кудуратлар унутилиб, ўзаро самимият, оқибат, меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкам боғланади.

Халқимиз Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик билан қарши олади. Ёшу қари кўча ва хиёбонлар, гузар ва гўшалар, дашту далалар, қир-адирларга сайилга чиқади. Ҳофизу хондалар хониш қилади, бахшилар дўмбира чертади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва

қизиқчиларнинг ичакузди ла-тифаю пайровлари кўнгиллари шодлик улашади. Дастурхонларни баҳорий таомлар безайди, дошқозонларда сумалак қайнайди...

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда янги иншоотларни фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланади. Бундай саъй-ҳаракатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмушини янада обод қилиш, фаровон ва тўқин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар муҳассам.

Ҳа, бугун юртимизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқлари, барча гўшаларда Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Озод ва обод юртимизга ҳуш келдинг, уйғониш, яшариш, янгилашни ва меҳр-оқибат айёми! Қадимий байрамнинг – Наврўзи олам муборак бўлсин, Ўзбекистоним!



## Ҳашар – элга ярашар

# ХАЛҚИМИЗНИ БИРЛАШТИРГАН ЭЗГУ АНЪАНА

**Тирикликнинг бардавомлиги, яшамоқнинг ўзи бир тантана. Бахтни, ҳаёт давомийлигини одамлар шу тариқа англаб етадилар. Ҳаётдан умр сарҳисобини ҳам Наврўзни нишонлаб, билиб оламиз. Демак, умрдан яна бир йили кечибди, вақт ганимат, унинг дақиқалари нон урвоқлари каби табаррук экан. Байрам баҳона тириклик қадрига етамиз.**

**Юртимизга фасллар келинчаги баҳор ҳам кириб келди. Ҳар бир фаслнинг ўз гашти бўлганидек, баҳорнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари кўп. Қушларнинг бошқа ўлкалардан учиб келиши, табиатнинг уйғониши, дарахтларнинг ям-яшил тусга кириши – буларнинг барча-барчаси баҳор кириб келганидан дарак беради.**

**Баҳорни байрамлар фасли деб ҳам аташади. Қадимий ва ардоқли байрамимиз Наврўзи олам ўз моҳиятига кўра руҳий покланиш, боқийликни тараннум этиш тантанаси сифатида ҳар биримизнинг кўнглимизга яқин. Эзгуликка йўғрилган бу қутлуғ байрам эл-юртни бирлаштиради, бунёдкорликка ундайди, яратувчанлик мақсадида бошланган ҳар бир ишга унум бахш этади. Наврўз ризқ-рўзимиз манбаи бўлган табаррук заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан лаззатланишга ўргатади.**

**Наврўз миллатимиз, урф-одатларимиз бетакрорлигини кўз-кўз қилувчи, юракка яқин, тилакка ҳамоҳанг айёмдир.**

**Гулираъно УСМОНОВА,  
Тошкент педиатрия тиббиёт  
институтини клиникаси бош шифокори.  
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.**

Наврўз! Олам гўзал, одам гўзал, дунё гўзал! Наврўз ўзи билан гўзалликни, яшаришни, янгиликни олиб келгандай гўё.

Юртимиз бўйлаб Наврўз байрами кенг нишонланмоқда. Онахонларимиз дошқозонларда сумалак пишираётганлигини кўриб, янги кун кирганлигини хис қиламиз.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартда қабул қилинган фармойишига биноан март-апрель мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Ушбу ойлик доирасида 16-17 март кунлари умумхалқ ҳашари уюштирилгани эзгу мақсад ва анъаналаримизга хосдир.

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад қадимий ва навқирон байрамимиз – Наврўзни муносиб кутиб олиш, жамиятимизда ҳамжиҳатликни янада мустақамлаш, беғараз ёрдам,



меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, юртимизда санитария ҳолатини янада яхшилашга қаратилгандир.

Маҳаллаларда «Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига 22 туп



дарахт – менинг туҳфам» шиори остидаги эзгу ташаббус ила ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари аллақачон бошланиб кетган. Тураржой мавзеларида гул кўчатлари, мевали, манзарали дарахтлар экиш, оқлаш ва буташ, кўча-йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқиш, қишлоқ ва шаҳар маҳаллалари, аҳоли яшаб ҳудудлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, қабристонлар, ариқлар, болалар майдончаларини тартибга келтириш, жисмоний имконияти чекланганлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилалар уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш каби хайрли ишлар амалга оширилди. Умумхалқ ҳашарида 17,5 миллиондан зиёд юртдошларимиз иштирок этган бўлса, шулардан 10 миллионга яқинини ёшларимиз ташкил этди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 43600 гектар майдон ободонлаштирилди.

Ҳашар инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини янада кучайтириб, ёшларимиз қалбида она-Ватанга муҳаббат туйғуларини ҳам мустақамлайди. Обод турмуш йилида ҳамюртларимиз ҳашарни кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтказишга ҳисса қўшиш ниятида эка-

ни ўзига хос рамзий маънога эга.

Ҳашар кунлари иш жойида меҳнат фаолиятини давом эттирган корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари ҳам умумхалқ

**«Баҳор – инсон умрининг энг яхши ва энг шифобахш фасли ҳисобланади».**

**Абу Али ибн Сино.**

ҳашарига ўз ҳиссасини қўшишди. Обод этилган гўшалар чирой очишида уларнинг ҳам меҳнати сингди, улуши қўшилди. Хайрия тадбири муносабати билан ишчи-хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига ихтиёрий равишда ўтказиб берилди. Ушбу маблағлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, маҳаллаларда кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаганларга ҳар томонлама кўмак беришдек хайрли ҳаракатларни



намизки, бу каби савобли тадбирлар барчанинг қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини мустақамлайди, – деди Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов.

Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш, уни ҳар томонлама кўтаринки руҳда ўтказиш, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазибаларни изчил амалга ошириш мақсадида Республика онкология илмий марказида ҳам ҳашар кунларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Марказ ҳудудидаги гулзорлар ўғит билан бойитилди, ариқлар очилди, 15 дона мевали дарахт, 30 дона атиргул, 50 дона арча кўчати экилди. Марказ биноси, бўлимларда ҳам

Ободончилик тадбирлари вилоятларда ҳам уюшқоқлик руҳида давом этди. Жумладан, ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам шифокору ҳамширалар фаоллик билан қатнашди. Ҳашарда яшил майдонларни кенгайтириш, янги боғлар, гулзорлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Турли манзарали, мевали дарахт ва гул кўчатлари экилди.

– Бошқармамиз тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида ободонлаштириш тадбирлари баҳорнинг илк кунлариданок бошланди. Тиббиёт ходимлари, таълим муассасалари ўқувчилари ҳам «Камолот» ёшлар

**Баҳорнинг фусункор дамларида уйғонаётган табиатга боқиб, бугунги нурафшон кунларга, ҳаётнинг бебаҳо неъматларига соғ-саломат етишганимиз, жаннатмакон юртимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги учун шукроналар қиламиз. Бундай онларда Алишер Навоийнинг бетакрор сатрларини ёдга оламиз: «Ҳар кунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз!».**

**Наврўз шундай байрамки, бугун билан ўтмиш боғланади гўё. Наврўз кунларида ота-боболаримиздан мерос бой маданиятимиз, бетакрор санъатимиз намуналари бир бутун бўлиб гавдаланади.**

**Бетакрор ва гўзал Ўзбекистонимизга ўзининг қутлуғ қадами ила Обод турмуш йилининг Наврўзи ҳам кириб келди. Бетакрор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оила катта умид ва ишонч, шукроналик билан қарши олар экан, унга ўзининг янги орзу-умидларини боғлайди. Шу боисдан-да Наврўз миллати, тили ва динидан қатъи назар, барчанинг ардоқли ва сеvimли байрамига айланиб улгурган.**

**Наврўзи олам муборак бўлсин!**

**Козим МАҲКАМОВ,  
Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий  
маркази нейрохирургия бўлими раҳбари,  
«Меҳнат шўҳрати» ордени соҳибси.**

тозалаш ишлари амалга оширилди.

– «Ободлик кўнгилдан бошланади» дейди халқимиз. Албатта, ушбу анъана бардавом бўлиб, асрлар оша хайрли ва савобли ишларга ундаб келмоқда. Марказимиз ходимлари йил давомида ҳар шанбани ана шундай кўтаринкиликда тозалаш кунини сифатида ўтказиб келади. Инсон доимо ободлик ва бунёдкорликка чанқоқ экан, бу йўлда бор куч-ғайратини сафарбар этишни истайди. Халқимиз байрам шодиларини кўнгил ободлиги, атрофимиз гўзаллигига саранжом-саришталигидан бошлаган экан, албатта бу кайфият бизни йил бўйи тарқ этмайди, – деди Республика онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов.

ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган «Ҳар бир ёшга – бир ниҳол», «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Ўтганлар руҳини шод этайлик» хайрия акцияларида фаол қатнашди. Наврўз янгиликни, яшариш рамзи экан, ушбу анъана бардавом бўлиб, қалбларда эзгулик фазилатларини мужассам этаверади, – деди Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Фазлиддин Усмонов.

Дарҳақиқат, ҳашар каби хайрли тадбирлар аҳоли фаровонлиги йўлида олиб борилаётган экан, шубҳасиз, савобга йўғрилган бундай саъй-ҳаракатлар бардавомлиги билан эътиборлидир. Демакки, озод Ватанимиз янада обод бўлиб, гуллаб-яшнайдир.

**1-2-3-саҳифа материалларини  
Ибодат СОАТОВА ва Намоз ТОЛИПОВ тайёрлашди.**



## Грани сотрудничества

СЕГОДНЯ ВЕСЬ МИР ОБМЕНИВАЕТСЯ  
ОПЫТОМ И ЗНАНИЯМИ

*Это мнение стало ключевым в ходе презентации учебного центра по методам визуализации и лапароскопии, открытого при Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи.*

*Интеграционные процессы в мировом масштабе обрели столь необратимый характер, что ни одной стране, ни одной сфере деятельности не устоять перед такими возможностями для прогрессивного развития. Казалось бы, человеческий разум порой не способен "угнаться" за всем этим. А ведь творцом созидательных процессов во все времена был и остается именно пылкий ум человека, который стремится познать, делиться своим опытом и знаниями со всем миром.*

Вот на такой ноте предвалялось практически каждое выступление – и организаторов, и гостей столь особого мероприятия. В Ташкенте, на базе РНЦЭМП открылся первый в республике центр повышения квалификации врачей и медицинского персонала для работы на высокотехнологичном оборудовании. Данный проект осуществляется Министерством здравоохранения республики совместно с представительством Германского общества по международному сотрудничеству (GIZ) в нашей стране в соответствии с соглашением, подписанным на основе протоколов межправительственных переговоров между Узбекистаном и Германией в рамках двустороннего сотрудничества. Необходимость реализации подобного проекта вызвана самим временем. За последнее время медицинские учреждения республики последовательно переоснащаются новым оборудованием и техникой, в том числе прогрессивных марок, что не могло не способствовать повышению спроса на квалифицированный персонал для эффективного и рационального использования современного оборудования в системе управления качеством, а также закупок, технического обслуживания и логистики.

**Заместитель министра здравоохранения республики Марат Хаджибеков**, акцентируя внимание на значимость создания столь уникального центра, где будут повышать квалификацию врачи на уровне последних достижений мировой медицины, особо подчеркнул, что конечная цель таких усилий направлена на укрепление здоровья людей, а значит, и устойчивое развитие общества в целом.

В Узбекистане с первых дней независимости на государственном уровне осуществляется поэтапное и последовательное реформирование всей системы здравоохранения как важной составляющей сильной социальной политики страны. Обеспечение охраны здоровья людей, оказание им квалифицированной бесплатной медицинской помощи гарантированы Конституцией Узбекистана. Эти благородные устремления нашли яркое воплощение в ходе реализации Государственной программы по реформированию системы здравоохранения,

утвержденной Президентом страны еще в 1998 году.

То огромное внимание, которое уделяется охране здоровья населения, находит конкретное подтверждение прежде всего в инвестициях и вложениях, которые направляются на развитие сферы. Сегодня более 60 процентов государственного бюджета отчисляется в социальную сферу. При этом доля расходов на здравоохранение составляет почти 16 процентов, а по отношению к ВВП – свыше четырех процентов. Начиная с



2000 года инвестиции в здравоохранение, в частности на развитие инфраструктуры и оборудование медицинских учреждений ежегодно увеличиваются на семь процентов.

Только на укрепление материально-технической базы сферы, ее переоснащение современным оборудованием и техникой за истекший период было привлечено более 700 миллионов долларов льготных кредитов и грантовых средств. Несмотря на продолжающийся мировой финансово-экономический кризис, за последние годы объемы финансирования сферы выросли в 2,5 раза.

– Опыт Узбекистана говорит о том, что реформы в здравоохранении – процесс постоянный и непрерывный, – подчеркнул помощник посла ФРГ в Узбекистане **Кристофер Фронзек**. – Медицина, как наука, так и практика, все время совершенствуется, и это находит свое яркое отражение в национальной модели здравоохранения вашей страны. Система здравоохранения является социальным институтом и охватывает гораздо больше вопросов, чем кажется на первый взгляд. Только правильно управляемая и финансируемая система сферы может вносить вклад в обеспечение социального согласия и стабильности. Знакомство с опытом стран мира, изучение и внедрение передовых технологий имеют важное значение в развитии национальной системы. Мне импонирует, что руководство

Узбекистана уделяет огромное внимание вопросам повышения материально-технической базы медучреждений. Более того, нам хорошо известно, что государственные инвестиции за последние годы существенно возросли. Все это позитивно влияет на качество медицинского обеспечения, что, как подчеркивалось, и определяет конечную цель. Хочу также отметить, что оснащение современной техникой, как пра-



пользование и техническое обслуживание медицинского оборудования.

Проект "Повышение квалификации врачей и медицинского персонала для работы на современном высокотехнологичном оборудовании" направлен на обучение эффективному применению методов визуализации с участием таких ультрасовременных технологий, как компьютерная и магнитно-резонансная томография и эндоскопия, использованием приборов малоинвазивной хирургии. По данным Минздрава республики, в настоящее время оснащено компьютерными и магнитно-резонансными томографами составляет полторы единицы на миллион жителей, в 2000 году этот показатель равнялся 0,25. Учреждения экстренной медицинской помощи на национальном, региональном и районном масштабах сегодня соответствуют требуемому уровню, что позволяет эффективно решать возложенные на данную базу задачи.

– В любой хирургии, – подчеркнул эксперт из Новосибирского (Россия) университета **постдипломной подготовки врачей Владимир Анищенко**, – применение лапароскопии должно быть не менее 70 процентов, а вот в экстренной медицине – до 50 процентов. Это мировой показатель. Узбекистану есть что показать в данном отношении. Само открытие обучающего центра визуализации и лапароскопии уже говорит о достижениях, в частности, в направлении экстренной медицины. Что же касается нашего центра, действующего с 2005 года, сначала он занимал всего лишь небольшой кабинет, потом курс открыли на базе видеоматериалов, впоследствии создана кафедра эндо- и видеохирургии. Работаем с экспертами из дальнего и ближнего зарубежья, проводим мастер-классы прямо у операционного стола, чтобы врачи видели процесс использования оборудования и задавали вопросы. Базовый уровень есть, поэтому обучаем обычным технологическим навыкам. Таким образом врач сможет оценить свои способности. Тем не менее не все хирурги могут выйти на высокий уровень лапароскопии

(Продолжение на 5-й стр.)

котехнологичным оборудованием, ежегодно на его базе повышают квалификацию более 400 врачей. Только за последние десять лет здесь прошли обучение около пяти тысяч специалистов. Базой повышения квалификации специалистов системы экстренной помощи также являются Самаркандский и Андижанский филиалы Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи. По словам руководства РНЦЭМП, учебный центр по подготовке кадров в целях широкого и эффективного применения методов визуализации и лапароскопии станет новым шагом в деле подготовки квалифицированных специалистов, отвечающих мировым стандартам.

Стоит подчеркнуть, что в нашей стране создана целостная система подготовки медицинских кадров, повышения их квалификации и переподготовки. Действуют Ташкентская медицинская академия, пять филиалов вузов и три филиала, 78 средних специальных учебных заведений, 18 центров повышения квалификации. Ежегодно по 140 направлениям медицины готовятся 3,8 тысячи специалистов вузовского уровня и почти 54 тысячи – средней квалификации. С учетом требований времени в целях обмена опытом по современным достижениям медицины налажены связи с ведущими клиниками Германии, Англии, России, США, Франции, Австрии, Японии, Украины, Турции, Литвы, других стран. В рамках инвестиционных проектов за последние 12 лет прошли обучение по использованию высокотехнологичного медицинского оборудования более двух тысяч отечественных специалистов. Согласно условиям контрактов, заключенных на поставку медоборудования, в рамках проектов обучение проводится по двум основным видам деятельности – это ис-

вило, это лишь первый шаг. Параллельно тому необходимо обучать специалистов всем азам и методам применения новейших технологий. Правительство Узбекистана поддержало инициативу, в частности, по созданию центра обучения, что демонстрирует укрепление грани сотрудничества Узбекистана и Германии в медицинской сфере. Новый проект – одно из основных направлений сотрудничества в целях развития. Мы надеемся, что и настоящий совместный проект успешно будет реализован во благо укрепления взаимоотношений между нашими странами.

Как отмечали эксперты, не случаен и выбор базового адреса учебного центра. Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи – один из крупных медицинских учреждений страны, имеет во всех областях региональные филиалы и 174 субрегиональных подразделения. По информации генерального директора РНЦЭМП **Абдухакима Хаджибаева**, организационная структура экстренной медицины страны охватывает все регионы и все категории населения республики, что в совокупности позволяет в круглосуточном режиме получать бесплатные квалифицированные услуги, благодаря достаточной и рациональной ресурсной поддержке центр обеспечивает абсолютную доступность экстренной медицинской помощи. Все подразделения РНЦЭМП оснащены современным высо-



Тиббиётимиз даргалари

# БЕКІЇС МЕХР НУРИ СОҲИБИ

Биз ахборот технологиялари ва юксалишлар даврида яшаймиз. Ушбу жараён инсоният тарихининг янги ҳаёт остонасидаги илғор қадамлари, ихтиро ва кашфиётларининг мантикий давоми сифатида ривожланиш нуктасида содир бўлмоқда.

Техника тараққий этиши билан барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришларга эришилди. Хусусан, касалликларни тезкор ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида рақамли тиббий асбоб-ускуналар амалиётга кириб келиши имкониятлар кўлами янада кенгайганлигидан далолат беради. Бундай глобаллашув жараёнида нафақат Ўзбекистон,

балки бутун дунёда турли касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаб, тўғри ташхис қўйиш ва даволашда билимдон, зукко, қисқа қилиб айтганда, тажрибали мутахассисларга талаб сув ва ҳаводек зарур бўлиб бормоқда.

Дарҳақиқат, замонавий технологиялар амалиётга кириб келиши боис беморларни тез ва оғриқсиз текшириш усуллари кенгайиб, шифокорлар малакаси ҳам ошиб бораётганини мамлакатимиз тиббиётда яққол кўришимиз мумкин. Шу маънода ультратовуш ташхисининг аҳамиятига эътибор қаратар эканмиз, шубҳасиз, кўз ўнгимизда олим Ақром Фозилов гавдаланади.

Гап шундаки, айти пайтда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ақром Акмалович Фозилов Ўзбекистон тиббиётда ультратулқинли ташхис тамал тошини қўйган олимларнинг биридир.

Тадқиқотчи яратган махсус технологиялар, эхозондлар, когерент ва акустик голография усуллари, компьютерли ультратовуш диагностикаси жаҳон тиббиёти тарихи ва тараққийотида, муболагасиз, муҳим босқич бўлди.

Ўз вақтида буюк Генрих Гейне шундай деган эди: "Ҳар бир аср янги гоғлар билан бирга янги қараш, нигоҳларни ҳам кашф этади". Шундай бўлдики, XX асрнинг иккинчи ярми, аниқроғи, 60-70-йилларда Ақром Фозиловнинг илмий излашлари ва ташаббуси билан жаҳон тиббиёти ҳамда амалиётда ультратовуш ташхиси усули ва тиббий визуализация соҳасига улкан ҳисса қўшилди.

Ақром Фозилов Тошкент тиббиёт академиясида тахсил олаётган давридаёқ соҳа сирларини чуқур ўрганиш билан бирга, илмий излашлар ҳам олиб борди. Уша пайтларда пойтахтдаги йирик марказда онкологик беморларга замонавий йўна-

лиш – ультратовуш ёрдамида диагноз қўйилаётган эди. Ультратовуш мосламасини амалиётда қўллаш усуллари мукаммал ўрганган тажрибали мутахассис сут беги ўсма касалликлари бўйича ҳам излашларга киришди. Чуқур тадқиқотлар олиб бориб, касалликнинг қиссий хусусиятларини, аниқ ташхис қўйиш усуллари тўла ўзлаштирди. Бу борада кўплаб илмий мақолалар тайёрлади ва анжуманларда маърузалар ўқиди. Олимнинг бу соҳадаги тинимсиз меҳнати муваффақиятли ҳимоя қилинган "Сут безлари касалликларининг ультратовуш диагностикаси" мавзусидаги номзодлик, кейинчалик ультратовуш диагностикасининг онкологияда қўлланиши бўйича докторлик диссертациясида ўз аксини топди. Қарангки, Ақром Фозилов бугунги кунда дунё миқёсида онкологиянинг энг долзарб муаммосига айланган сут беги ўсмалари бўйича ярим асрларча илгари самарали тадқиқотлар олиб борган.

Илм-фан ривож топишида ҳар бир соҳанинг ўз жонқурлари бўлади. Ана шундай сорбонлардан бири Ақром Фозилов ультратовушни тиббиётнинг барча тармоқларига татбиқ этишда чиндан ҳам фидойилик кўрсатиб, Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб ташхис лабораториясини ташкил

қилди ва ушбу йўналишда ўнлаб шогирдлар тарбиялади.

Ақром Фозилов ҳамкасблари ва шогирдлари билан Россия, АҚШ, Япония, Хитой, Германия, Финляндия, Покистон каби давлатларда ташкил этилган илмий анжуманларда инглиз тилидаги маърузалари билан қатнашиб, ўз соҳасида дунё илмини бойитишига ҳисса қўшди. Олим одамнинг ультратовуш анатомияси, касалликларнинг эхографик белгилари, беморларни муфассал равишда текширишда ультратовуш ташхисининг ўрни ва аҳамияти ҳақида врачлар учун ўнлаб амалий қўлланмалар, дарслик ва йўриқномалар яратди. Ушбу рисоалар амалий шифокорларнинг кундалик ҳамкори ва маслаҳатчисига айланди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, олимнинг тадқиқотлари асосида ультратовуш ёрдамида назорат олиб бориш, яъни доимий ультратовуш скрининги ва мониторинги концепцияси яратилди, врачлик ихтисослиги номенклатурасида ультратовуш шифокори мутахассислиги жорий этилди.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Ўзбекистонда илк бор ультратовуш ташхиси истиқболлари белгиланиб, йиллар оша тиббиётда мустақкам шаклланди ва



қўлланиш даражаси янада ортди. Ўтган давр мобайнида профессор Ақром Фозиловнинг бевосита раҳбарлигида ўнга яқин докторлик, қирқдан зиёд номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланди, дипломдан кейинги малака ошириш жараёнида уч мингга яқин ультратовуш ташхиси шифокори тайёрланди. Улар ҳозирги пайтда ўз билим ва иқтидорини нафақат Ўзбекистон, балки Ер юзининг турли минтақаларида намоён этиб, юртимиз довруғини жаҳонга ёймоқда. Олимнинг 350 дан зиёд илмий мақолалари кўплаб хорижий журналларда чоп этилган. Бундан ташқари, Ақром Фозилов ихтиролари учун ўнта па-

тент ва муаллифлик гувоҳномалари олган, ноёб ультратовуш ускунаси учун Европа сертификатига ҳам сазовор бўлган. Олимнинг Ўзбекистонимиз тиббиёти равнақи ва тараққийотига қўшган улкан ҳиссаси хорижий давлатларда ҳам эътироф топган. Профессор Ақром Фозилов Россия Федерацияси тиббиёт техникаси академияси академиги, шунингдек Жаҳон ультратовуш институти ҳамда ушбу номдаги уюшманинг "Ультратовуш пионери" дипломига сазовор бўлган. Эътиборлиси, бундай юксак унвонга лойиқ деб топилган 27 олимдан бири бизнинг қахрамонимиздир.

Қарийб ярим асрлик ҳаётини тиббиёт равнақи бағишлаб, жаҳонда ультратовуш диагностикаси соҳасига муносиб ҳисса қўшган Ақром Фозилов кутлуг етмиш беш ёшида ҳам янги гоғ ва ташаббуслар, эзгу ниятлар оғушида яшаётгани ибратлидир. Биз камтарин инсон, захматкаш олим, ёшлар мураббийсини табаррук ёшлари билан чин қалбдан табриклаб, тансиҳатлик, хотиржамлик, оилавий бахт тилаймиз. Халқ саломатлиги йўлида янада кўп хизмат қилиб, бундан да юксак ютуқларга эришишларини ҳам ният қиламиз.

Искандар РАҲМОН,  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
Эркин ТУРСУНОВ,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

## СЕГОДНЯ ВЕСЬ МИР ОБМЕНИВАЕТСЯ ОПЫТОМ И ЗНАНИЯМИ

из-за отсутствия возможности. Есть две сопутствующие опыту базы. Это продвинутая база, когда во время операции можно поделиться даже малыми деталями, и экспертная. Во втором случае открывается возможность обмена опытом на международных конгрессах и симпозиумах. Попав в градацию продвинутого и экспертного уровня можно, лишь получив признание коллег. Имеющий опыт специалист должен обязательно делиться своими навыками, ибо весь мир сегодня обменивается опытом и знаниями. Создание центра по методам визуализации и лапароскопии в Узбекистане направлено на повышение потенциала медицинского персонала в сфере высоких технологий, что является одним из важных путей интегрирования в мировое сообщество. Мы рады сотрудничать с узбекскими коллегами и делиться взаимно опытом работы.

Как отметил руководитель проекта Рогер Шмидт, сегодня во всем мире процесс подготовки кадров на уровне современных требований является актуальным. Внедрение в медицинскую практику методов малоинвазивной хирургии, безусловно, предусматривает смягчение хирургического вмешательства в процессе лечения болезни и снижение послеоперационного синдрома. Обучение специалиста всем тонкостям этого процесса, конечно же, накладывает огромную ответственность за здоровье человека.

В рамках проекта в первый день работы учебного центра специалисты из различных лечебных учреждений республики, преподаватели и студенты медицинских вузов поделились опы-

том работы с зарубежными коллегами, также они прошли мастер-класс у ведущих специалистов Российской медицинской академии наук по использованию методов визуализации и лапароскопии. По информации организаторов проекта, на первых курсах повышения квалификации преподавателей будут участвовать также эксперты из Австрии, Франции, Германии. Кроме того, будущие национальные тренеры пройдут обучение в университетах Германии и учебных центрах компании-производителей высокотехнологичного медицинского оборудования Karl Storz и Siemens. Предусматривается открытие филиалов учебного центра в Андижанской и Навоийской областях.

Отдельная глава Государственной программы "Год благополучия и процветания" посвящена дальнейшему укреплению здоровья населения и повышению качества медицинских услуг. В рамках реализации поставленных задач предусмотрено также ряд проектов, в том числе направленных на оснащение учреждений сферы современным высокотехнологичным оборудованием, подготовку специалистов в соответствии с требованиями времени. Открытие учебного центра при РНЦЭМП, можно смело сказать, стало первым шагом на пути осуществления намеченных в Государственной программе благих устремлений.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.  
Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.

(Окончание.  
Начало на 4-й стр.)

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги куйидаги тиббиёт коллежаларининг директор ўринбосарлари бўш (вакант) лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| №   | Коллеж номи | ММИБДУ* | УИБДУ** | ИЧАБДУ*** |
|-----|-------------|---------|---------|-----------|
| 1.  | Асака       |         | УИБДУ   | ИЧАБДУ    |
| 2.  | Денов       |         | УИБДУ   |           |
| 3.  | Чуст        |         |         | ИЧАБДУ    |
| 4.  | Пастдарғом  | ММИБДУ  |         |           |
| 5.  | Хўжаобод    | ММИБДУ  |         |           |
| 6.  | 1-РТК       |         |         | ИЧАБДУ    |
| 7.  | УДК         | ММИБДУ  |         |           |
| 8.  | Термиз      | ММИБДУ  |         |           |
| 9.  | Зомин       |         | УИБДУ   | ИЧАБДУ    |
| 10. | Кува        | ММИБДУ  |         |           |
| 11. | Зангиота    | ММИБДУ  | УИБДУ   |           |
| 12. | Қўрғонтепа  |         | УИБДУ   |           |
| 13. | Муборак     |         | УИБДУ   |           |
| 14. | Риштон      |         | УИБДУ   |           |
| 15. | Пойарик     | ММИБДУ  |         |           |

Изоҳ: \* ММИБДУ – маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари;  
\*\* УИБДУ – ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари;  
\*\*\* ИЧАБДУ – ишлаб чиқариш амалиёти бўйича директор ўринбосари лавозимлари.

Танловда қатнашишга хоҳиш билдирган шахслар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар билан ишлаш бошқармасига танлов эълон қилингандан сўнг бир ой мuddат давомида куйидаги ҳужжатларни топширишлари мумкин:

- Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёзилган ариза;
  - Маълумотнома;
  - Сўровнома;
  - Таржимаи ҳол;
  - Паспорт нусхаси;
  - Маълумоти ва малакаси бўйича ҳужжатларнинг нусхаси;
  - Малака ошириш бўйича ҳужжатларнинг нусхаси (гувоҳнома, сертификат, лицензиялар ва ҳоказо);
  - Меҳнат дафтарчасидан нусха;
  - Фото 3x4 см. 4 дона;
  - Директор ўринбосари лавозимини амалга ошириш учун ихтиёрий равишда ёзилган концепция (режа).
- Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уй.  
Мурожаат учун телефонлар: 244-12-02, 241-54-54.



24 март — Бутунжаҳон сил касаллигига қарши кураш куни

# ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

мамлакатимиз фтизиатрия ва пульмонология соҳасида самарали  
натижаларга эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда

**Инсон ҳамиша орзу-умид билан яшайди. Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, яшаш завқи, эртанги кунга интилиш ҳисси бизнинг доимий ҳамроҳимиздир. Айнан шу боис ҳар тонг уйғонгач, фаровон турмушимиз, тинч-тотув оиламиз, мусаффо осмонда чарақлаб турган кўёш ҳаққи-ҳурмати дилда шукроналар айтамыз. Буларнинг бари танимиз сиаҳат, кўнглимиз хотиржам, қалбимиз нурафшон эканлигидан далолатдир.**

Озод ва обод юртимизда саломатликке бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганлиги бежиз эмас. Зеро соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар буюк келажак барпо этиш йўлидаги залворли қадамлардан биридир.

Мамлакатимизнинг барча худудларида, энг олис қишлоғу овулларида кўплаб янги шифо масканлари бунёд этилди, тубдан қайта таъмирлаш ишлари натижасида аксарият тиббиёт муассасалари замонавий кўриниш, барча шарт-шароитларга эга бўлди. Даволаш муассасаларида аниқ ташҳис қўйиш ва самарали даво муолажалари қўлланилиши боис кўплаб асоратли хасталикларнинг олдини олишга муваффақ бўлинаётди.

Дарҳақиқат, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш, юқумли хасталиклар тарқалишига қарши саъй-ҳаракатлар туфайли юртимизда сўнгги йилларда сил, гепатит каби эпидемиологик хасталиклар билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада камайди.

Келгусида ҳам ушбу йўналишдаги асосий вазифалар, яъни аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилишнинг профилактик тадбирларини кучайтириш, онкологик ва сил касалликларига қарши хизматлар моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг самарали тизимини шакллантириш кўзда тутилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилда ташкил қилинган Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳам бу борадаги долзарб масалаларни ҳал этишга ҳисса қўшаётган масканлардан бири ҳисобланади. РИФПИАТМ республикамизда фтизиатрия хизмати тақомиллаштириш, хусусан, сил ва сурункали носпецифик ўпка касалликларига қарши курашиш, ушбу хасталикларни энг замонавий муолажалар асосида самарали даволашга хизмат қилувчи етакчи илмий муассасадир. Марказнинг иқтидорли ёш мутахассислари силга қарши курашнинг илғор усуллари ва жарроҳлик амалиёти бўйича Германия, Англия, Гол-

ландия, Малайзия, Россия сингари кўплаб мамлакатларнинг нуфузли клиникаларидаги ҳамкасблари билан мунтазам тажриба алмашишмоқда.

Айни пайтда шифо муассасаси қошида ўпка жарроҳлиги, суяк-бўғим касалликлари, пульмонология, болаларда силни даволаш, урогенитал аъзолар хасталиклари муолажаси каби йўналишлардаги ўнта клиник бўлим, шунингдек маслаҳат-ташҳис поликлиникаси фаолият юритади. Қолаверса, касалликлар омилини тезкор равишда аниқлаш, ташҳис борасида энг самарадор усуллари қўллаш амалиёти ҳам муваффақиятли кечмоқда. Марказда йилига беш мингга яқин кишига тиббий хизмат кўрсатилади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, бугун жаҳон миқёсида сил касалликларини даволаш самараси 85, Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 87 фоизни ташкил этмоқда. Бундай ижобий ўзгаришларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Давлатимиз томонидан соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва мақсадли дастурлар асосида белгиланган вазифалар ижроси таъминланаётгани ютуқлар омилидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу йўналишдаги тиббий хизмат муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Чунончи, жойлардаги сил касалликлари шифохоналарида қурилиш-реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши, уларнинг ҳар бирини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. 2011 йили Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази тубдан қайта таъмирланиб, барча имкониятларга эга бўлди. Айтиш жоизки, марказнинг замонавий кўринишдаги очилиш маросими давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиум доирасида бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар, АҚШ, Хитой, Россия, Канада, Англия, Германия, Италия, Франция, Финлян-

дия, Швейцария, Испания, Дания – эллика яқин мамлакат тиббиётининг етакчи вакиллари ҳам иштирок этди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда марказ мисли кўрилмаган янгиликларга юз тутди. Фахрланиб айтиш мумкинки, кўркам кўринишга эга, энг юқори технологиялар билан жиҳозланган бундай муассасада фаолият юритиш ҳар бир тиббиёт ходимининг орзуси. Замон талабларига мос муолажа хоналари, энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар, жарроҳлик жамланмалари, бактерияларга қарши махсус мосламалар, қисқа фурсатда хасталикка аниқ ташҳис қўйиш имконини берувчи илмий лабораториялар – буларнинг бари даволашда самарали натижаларга эришишда катта аҳамият касб этмоқда.

Марказнинг асосий даволаш-ташҳис мажмуи биноси етти қаватдан иборат бўлиб, бу ерда беморларни қабул қилиш, клиник-биокимё лаборатория, ташҳис қўйиш, жарроҳлик, реанимация ва интенсив терапия, ўпка сили, суяк-бўғим тизими, ўпкадан ташқари аъзолар касалликлари, урогенитал аъзолар сили билан касалланганларни даволаш бўлимлари, махсус дорихона ҳам фаолият кўрсатмоқда. Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедралари ҳам жойлашган.

Авваллари сил хасталигига чалинган беморлар саккиз-ўн ойлаб шифохонада даволанган бўлса, эндиликда ушбу жараён

**Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда марказ мисли кўрилмаган янгиликларга юз тутди. Фахрланиб айтиш мумкинки, кўркам кўринишга эга, энг юқори технологиялар билан жиҳозланган бундай муассасада фаолият юритиш ҳар бир тиббиёт ходимининг орзуси.**

ўрта ҳисобда олти кун давом этади. Бугунги кунда марказ мутахассислари хасталикларни даволашда юқори технологияларга асосланган даволаш муолажалари ва жарроҳлик амалиётларини бажармоқда. Ўпка ва плевра касалликларида қўлланганидан пульмэктомия, плеврэктомия, бронхоблокация, суяк ва бўғим хасталикларига бўғимларни эндопротезлаш, умуртқа пластикаси сингари илғор услублар шулар жумласидандир.

Марказда қўлланилаётган жарроҳлик усуллари жаҳондаги энг етакчи клиникаларда жорий этилган амалиётлардан кам эмас. Масалан, плеврэктомия жарроҳлигини олайлик. Маълумки, ўпка силининг оғир шаклида ушбу аъзо аввалгига нисбатан кичрайиб қолади, оқибатда унинг химоя қатлами қотиб, ўпканинг эркин ишлашига йўл қўймайди. Бундай вазиятда плевра, яъни ўпка пардаси олиб ташланиши зарур. Замонавий услубнинг муваффақиятли қўлланилиши натижасида бемор оғир дарддан халос бўлади. Қолаверса, нафас йўллари шикастланган қис-



мини жарроҳлик йўли билан даволаш, кавернопластика – ўпка тешигини тиклаш каби амалиётларни ҳам марказ мутахассисларининг ютуқлари сифатида тилга олиш мумкин.

Замонавий тиббиётдаги ижобий кўрсаткичларнинг асосий омили хасталикка аниқ ташҳис қўйишдир. Шу маънода марказ мутахассислари клиник ташҳис, рентген, патологик анатомия, иммунология, микробиология, цитология илмий лабораториялар имкониятларидан унумли фойдаланмоқда. Миллий референс лабораториясида эса замонавий "GeneXpert", "MGIT", "Bactec" сингари ускуналар ёрдамида таҳлиллар ўтказилади. Ушбу бўлим иш сифати юқори талаблар даражасида эканлиги боис жаҳон миқёсидаги энг сифатли ўнта йирик лаборатория рўйхатидан ўрин олган. Бу ерда микроскопия, культурал, яъни микробларни ўстириш, шунингдек генетик ва серологик усулларда энг кам вақт талаб қилинадиган мураккаб таҳлиллар бажарилади. Ҳозирги пайтда ушбу лаборатория республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги уч юздан зиёд лаборатория учун илмий-услубий марказ вазифасини ўтамоқда.

Яхши маълумки, бугун жаҳон тиббиёти экспертлари ҳар қандай хасталикни даволашдан кўра, унинг олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш масаласига катта ургу бермоқда. Юртимизда ҳам бу борада салмоқли натижаларга эришилаётгани айни ҳақиқат. Ҳар бир худудда Саломатлик ҳафталиги тадбирлари, она ва бола соғлиги муҳофазасига йўналтирилган бепул тиббий текширувлар мунтазам ташкил этилаётгани бунинг амалий ифодасидир. Бундай тадбирларда иштирок этаётган малакали мутахассислар кенг жамоатчиликка сил ва бошқа юқумли хасталикларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш бўйича аниқ тавсиялар бермоқда.

Дарҳақиқат, бугун энг олис қишлоқ жойларида ҳам бирламчи тиббий текширувлар ўтказиладиган шифо масканлари фаолият кўрсатаяпти. Шу маънода хасталикнинг олдини олиш ёки

уни эрта аниқлаш имкони ҳар биримизда бор десак, янглишмаймиз. Хусусан, сил касаллигининг олдини олиш учун энг аввало ўзимиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Чунки ушбу хасталикнинг тарқалиш хавфи организмнинг иммун тизими фаолияти сустайиши билан боғлиқ. Қандли ди-

абет, сурункали нафас йўллари, меъда-ичак яраси каби хасталикларга чалинган беморларда бу ҳол айниқса кўп кўзатилади. Шу боис улар йилига бир-икки мартаба тиббий текширувдан ўтиб туриши керак.

Албатта, саломатликка доимий эътибор соғлом кишилар учун ҳам зарур. Бугун жойларда фертил ёшдаги аёллар ва ўсмир қизлар ўртасида бошқа тиббий таҳлиллар сингари флюорографик текширувлар мунтазам ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Шундай амалий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ кейинги йилларда мамлакатимизда сил билан касалланиш 33,2 фоизга, хасталик туфайли ўлим ҳолатлари эса 60 фоизга камайди.

Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси, бу борадаги саккиз устувор йўналиш доирасидаги вазифаларни изчил амалга ошираётган давлат сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Мухтасар айтганда, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари эришилган бу каби ижобий натижалар билан чекланиб қолмай, сил хасталигининг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, уни даволаш муаммоларини ҳал этиш борасида доимий изланмоқда. Шубҳасиз, асосий мақсад беморлар дардига малҳам бўлувчи янги муолажа усуллари фаолиятга янада кенг татбиқ этиш, мамлакатимиз тиббиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишдир.

**Фурқат САНАЕВ,  
Республика Соғлиқни  
сақлаш вазирлиги  
Матбуот хизмати  
бошлиғи.**



## Мутахассис маслаҳати

## ПЛЕВРИТ БЎЛМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ўпка фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи турли омиллар мавжуд. Улардан бири ўпка плеврасининг яллиғланиши, яъни плевритдир (грекчадан қовурга, биқин, ёнбош ҳамда яллиғланиш маъносига). Плевра – ўпкани ўраб турадиган юпка шиллик қатлам кўпинча ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли яллиғланади. Шу боис плевритаксар ҳолларда мустақил касал бўлмай, ўпка ёки плевра пардаларига қўшни аъзо (кўкрак қафаси, кўкс ораллиги, диафрагма ва унинг остидаги бўшлиқ)лар касалликлари асорати сифатида ривожланади. Болаларда айниқса хавфли кечади. Чунки ёш бола ўзида қандай жараён кечаётганини айта олмайди. Натижада касаллик белгиларини аниқлаш маҳаллий шароитда бироз қийинчилик туғдиради. Нотўғри ташхис ёки муолажа турли салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Плевра тўқимасидаги ўзгаришларга қараб плеврит қуруқ (фибриноз) ёки экссудатли бўлади. Клиник хусусиятларига кўра, ўткир, нимўткир ва сурункали ҳамда ўпка плеврасидан ажраладиган суюқлик миқдори, жойлашишига қараб, яна бир қанча турларга таснифланади. Аслида плеврит фақат нафас аъзосига боғлиқ хасталик эмас, балки 60 дан ортиқ касалликларда учрайди. Бироқ амалиётдан маълумки, асосан сил, зотилжам ва ўсма касалликлари асоратидан вужудга келади.

Кўйида қуруқ ва экссудатли плеврит бўйича қисқача маълумот бермоқчимиз. Бу маҳаллий шароитда касаллик белгиларини аниқлашда қўл келади.

Қуруқ плеврит плевра пардалари яллиғланиши, ўпка ёки кўкрак қафаси лимфа тугунчаларидаги сил касаллиги билан боғлиқ. Баъзида ўткир ва сурункали юқумли касалликлар натижасида ривожланади. Касаллик пайтида плевранинг париетал ва висцерал қаватлари яллиғланиб, гиперемиа, шилл пайдо бўлади ва қалинлашади. Плеврани ёпиб турадиган мезотелияга зиён етиши натижасида унинг эластик тузилиши кўриниб қолади. Плевра остида сил ўчоғи жойлашганда ёки плевра бўшлиғига ёрилиб, қон орқали тарқалганда, сил касаллигининг дастлабки белгиси сифатида қуруқ плеврит кўзга ташланади.

Касаллик турли клиник белгиларига қараб аниқланади. Масалан, париетал плевранинг қовурга соҳаси шикастланганда, кўкрак қафаси яллиғланган жойида қаттиқ оғриб туради. Плевранинг бошқа қисмлари яллиғланганда, оғриқ кўкрак қафасидан ташқари соҳаларда,

плевра гумбази яллиғланса, оғриқ елка мушакларига ўтади ва у қотиб қолади. Диафрагма соҳасидаги плевра шикастланганда, оғриқ тўш суягининг орқасида кузатилади.

Чуқур нафас олганда, йўталганда, сўзлашганда, оғриқ кучаяди. Энг кучли оғриқ касаллик бошланишида бўлади. Висцерал плевранинг шикастланиши оғриқсиз ўтади. Баъзи ҳолларда қуруқ йўтал туради. Тана ҳарорати ўзгармаслиги, гоҳида субфебрил бўлиши мумкин. Нафас олганда кўкрак қафасининг яллиғланган томонидаги ҳаракат нисбатан сустроқ бўлади. Энг муҳим белгиси – бемор кўпроқ соғ томонида ётишга ҳаракат қилади. Узоқ давом этадиган плеврит ўпка ёки лимфа тугунларида фаол сил касаллиги мавжудлигидан далolatдир.

Шифокорлар хасталикни чуқур нафас олиб чиқарганда оғриқ кучайиши ва плевра ишқаланишидан ҳосил бўладиган шовқинга асосланиб аниқлайди. Лекин келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш мураккаброқдир.

Экссудатли плеврит плевра пардалари бўшлиғига яллиғланиш суюқлиги (экссудат) йиғилиши билан кечади. Плевра пардалари яллиғланганда, улардаги томирлар деворининг ўтказувчанлиги ўзгариб, қон босими кўтарилади, висцерал плевранинг коллаген қавати ўзгаради ва плевра бўшлиғи пастки ёнбошларида манфий босим таъсирида экссудат тўпланади. Суюқлик ўпкадаги ҳавони аста-секин сиқиб чиқариб, зичлайди. Унинг миқдори кўпайганда, аъзолар соғ томонга сурилиб, нафас олиш, қон айланиш меъёри бузилади.

Касаллик тана ҳароратининг аста-се-


кин, баъзида тезда кўтарилиши, кўкрак қафасида санчикли оғриқ, оғир йўтал билан бирданига бошланади. Ҳаво етишмаслиги, кўкариш ҳолатлари кузатилади, ўпканинг шикастланган томони нафас олишда суст қатнашади. Кўкрак қафаси пайпаслаб кўрилганда, зарарланган қисмда товуш зириллаши нисбатан кучсизроқ, перкуссия қилиб кўрилганда эса перкутор товуш бўғиқлашгани кузатилади.

Экссудат қовурга – диафрагма синусида йиғилганда, перкутор товуш бўғиқлашуви камроқ бўлиши ёки сезилмаслиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Суюқлик кўпайган сайин кўкрак қафасининг орқа ёнбош томонларида бўғиқроқ товуш аниқланади. Шундан сўнг экссудатнинг юқори чегараси аста-секин пастлашиб борадиган Дамуазо чизиги бўйлаб жойлашади. Унинг энг юқори нуқтаси орқа қўлтиқости ёки кўкрак чизиги, пастки нуқтаси – орқа умуртқа поғонаси, олд томонда эса тўш суяги қисмида бўлади.

Умуртқа поғонаси билан кўтарилиб борадиган Дамуазо чизиги орасида ҳосил бўладиган Гарлянд учбурчагида суюқлик тўпланиши оқибатида ҳавоси сиқиб чиқарилиб, зичлашган ўпка тўқимаси жойлашади. Перкуссия қилинганда, тимпаник товуш, аускультация қилинганда, бронховезикуляр нафас шовқини эшитилади. Кўкрак қафаси соғ томонининг пастки қисми – умуртқа поғонаси ёнида бўғиқ перкутор товуш пайдо бўлиб, нафас олиш шовқини эшитилмайди.

Суюқлик миқдорини кўйидагича аниқлаш мумкин. Агарда перкуссия қилинганда, бўғиқроқ товуш IV қовурга ораллиғига етса, суюқлик миқдори 1500 миллиграмм, III қовургага етса – 2000 миллиграмм, ўмрон суягига келса 3000 миллиграммга тенг бўлади.

Рентген қилинганда, зич, юқори чегараси қийиқ бир текис соя кўринади. Суюқлик 300 мл.дан кам бўлганда, беморни олд ва ён томонидан, танасини олдинга бироз энгаштирган ҳолатда текшириш лозим. Юрак қон-томир тизими текширилганда, юракнинг соғ томонга силжигани, тез уриши ва оҳанги сустлашгани, қон босими пасайиши кузатилади. Тана ҳарорати кўтарилганда, сийдикда оксил ажралади. Экссудатли плев-



рит асосий касаллик кечишига қараб, 1,5-2 ойга чўзилади. Чекланган плеврит узоқроқ давом этиб, чандиқлар ҳосил қилади. Йирингли плеврит жуда оғир ўтади, қўшни аъзоларга ёрилиши ва оқма ҳосил бўлиши мумкин.

Плевритнинг даволашда эътибор асосий касаллик (сил, зотилжам, ўпка абсцесси, бошқаларни бартараф этишга қаратилади. Шунингдек сезгирликни камайтирувчи, яллиғланиш ва йўталга қарши дорилар қўлланилади. Суюқлик сўрилла борган сари нафас олиш гимнастикаси, аъзоларни мустақамлайдиган муолажалар, физиотерапия қўлланилади. Яллиғланиш жараёни тўхтагандан сўнг маҳаллий ёки махсус санаторийларда даволаш мумкин.

Плеврит оқибати асосий касаллик кечишига, беморнинг жисмоний имконияти, ёши, нафас олиш ва юрак-томир аъзоларининг иш қобилиятига боғлиқ.

Плевритга олиб келувчи ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзи қарор топиши лозим. Демак, мунтазам спорт билан шуғулланиш, дармондори билан бойитилган таомлар кўпроқ тановул қилиш, захдан сақланиш талаб этилади. Агарда шамоллаш ёки бошқа касаллик аломатлари кузатилса, дарҳол шифокорга мурожаат этишни унутманг.

**Гулноза ШАРОПОВА,**  
Республика  
ихтисослаштирилган  
фтизиатрия ва пульмонология  
илмий-амалий тиббиёт маркази  
болалар ўпка сили  
бўлими бошлиғи.

БУЙРАК ТУБЕРКУЛЁЗИДАН  
САҚЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

**Мамлакатимизда сил касаллигига қарши кураш ва унинг олдини олиш давлат миқёсидаги вазифадир. Бошқа касалликлар қатори туберкулёзни ҳам даволашдан кўра олдини олиш осон.**

Туберкулёз нафақат ўпка, балки бошқа аъзолар, шу жумладан буйракда ҳам бўлади. Буйрак туберкулёзи одам организмда аста-секин ривожланиб боради. Шу боис бўлса керак, беморларнинг аксарияти туберкулёзга чалиниб қолганини сезмайди. Узоқ вақт давомида бошқа касалликлар, хусусан, сурункали пиелонефрит, цистит, буйрак тоши, радикулитдан самарасиз даволандилар. Касаллик тарқалиб, буйрак фаолияти сузайганда сўнг асоратлар келиб чиқиши натижасида беморларга жарроҳлик муолажалари ўтказиш лозим бўлади. Буйрак туберкулёзи қанча кеч аниқланса, соғайиш шунча

қийин кечади.

Буйрак туберкулёзи ҳам юқумли касалликлар сирасига киради. Касалликни сил микробактериялари келтириб чиқаради. Туберкулёз микробактериялари атрофга осон тарқалади. Бемор балғами, пешоби, ярадан чиқаётган йирингда кўп миқдорда учрайди, шу тариха ташқи муҳитга тез ёйилади. Одамга нафас йўллари ва ҳазм қилиш аъзолари орқали юқиши мумкин. Туберкулёз касаллиги насл сурмайди.

Буйрак сили сурункали касаллик бўлиб, клиник белгилари микроб юққандан бошлаб беш-ўн йилдан кейин намоён бўлади. Касаллик ривожланиши учун микробактерия юққан

организмда химоя воситаларини заифлаштирувчи биологик шароитлар мавжуд бўлиши керак. Буйрак сили белда ўтмас оғриқ, иштаха йўқолиши, дармонсизлик билан бошланади. Бемор кечалари терлайди, озади, бел соҳаси тез-тез ачишиб, пешоб пайдо бўлади. Касалликни вақтида, илк босқичида аниқлаш учун ўзида баъзи аломатларни сезган киши шифокорга мурожаат қилиши ва урологик текширувдан ўтиши лозим. Шундагина соғайиб кетиш имконияти кўп бўлади.

Ҳозирги вақтда барча шаҳар ва туман поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари, касалхоналар замонавий микроскоп ва ультратовуш текшириш асбоблари билан жиҳозланган. Ультратовуш ускунаси инсон организмга ҳеч қандай зарар етказмайди. Фан-техника тараққиёти буй-

рак туберкулёзини эрта аниқлаш билан бирга, самарали даволаш имкониятларини ҳам яратиб беради. Бироқ якуний натижа кўп жиҳатдан беморнинг ўзига, турмуш тарзи ва иродасига, шифокор кўрсатмаларига амал қилишига боғлиқ. Касаллик авж олган босқичда беморни албатта касалхонага ётқизиш, соғайиб чиққандан кейин махсус диспансерда даволанишини давом эттириш зарур.

Ҳозирги замон тиббиёти ўндан ортиқ буйрак туберкулёзига қарши таъсирчан дориларга эга бўлиб, касалликнинг клиник турига қараб бирга ишлатилади. Аммо дори-дармонларни фақат даволовчи шифокор маслаҳати билан ва назорати остидагина қабул қилиш лозимдир.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, беморга барча дори-

дармонлар давлат ҳисобидан бепул берилади. Буйрак туберкулёзини даволашда уч-тўрт хил дори бирга қабул қилиниши яхши натижа беради. Дорилар таъсири остида касаллик таёқчалари парчаланиб, тез вақт ичида буйракларда пайдо бўлган яллиғланиш тўхтади. Бемор бутунлай соғайиб кетиши учун саккиз-ўн ой вақт талаб қилинади.

Эслатиб ўтамиз, бемор дори-дармонларни ўз вақтида қабул қилмаса, туберкулёз таёқчалари шароитга мослашиб, уларнинг таъсир кучини йўқотади.

**Миразим ҲАКИМОВ,**  
Республика  
ихтисослаштирилган  
фтизиатрия ва  
пульмонология илмий-  
амалий тиббиёт маркази  
катта илмий ходими.



Келақол, Наврўзим, Наврўзи олам,  
Мангуга интилган қадамим сенсан.  
Шоирлар қўлига тутганда қалам,  
Шеърларга айланган илҳоми сенсан.

Келақол, мустақил юртим Наврўзи,  
Ўзлигин таниган халқим тилаги.  
Келақол, ўзбекнинг соғинган сўзи,  
Истиқбол йўлида урган юраги.

### Шеърят

## Мен ҳам айтай бир тилак

Янги кун бошланиб, келмоқда НАВРЎЗ,  
Табиат жамолин қилмоқда кўз-кўз.  
Мен ҳам айтай бирор тилак, сўз,  
Юртимга хуш келдинг, ассалом, НАВРЎЗ.  
Пойингга гул тўшай, ассалом, НАВРЎЗ.



Ўзликни танишни сендан ўргандик,  
Яшашу ёнишни сендан ўргандик.  
Меҳрга қонишни сендан ўргандик,  
Юртимга хуш келдинг, ассалом, НАВРЎЗ,  
Пойингга гул тўшай, ассалом, НАВРЎЗ!

Рустамали МАМАДАЛИЕВ.  
Наманган вилояти.

## Наврўз келса, дилда ҳаяжон

Наврўз келди, ўлкамда байрам,  
Севинч ила юрар ҳар одам,  
Шоир олар қўлига қалам,  
Наврўз Шарқнинг улуғ байрами.

Наврўз келса қайнар сумалак,  
Осмон узра пайдо камалак,  
Айтилади энг яхши тилак,  
Наврўз Шарқнинг улуғ байрами.

Наврўз келса барчамиз шодон,  
Севинч ила юрамиз хандон,  
Унутилар ҳатто дард, армон,  
Наврўз Шарқнинг улуғ байрами.


Наврўз келса дилда ҳаяжон,  
Гуллаб-яшнар ҳур Ўзбекистон,  
Дилларда ҳеч қолмагай армон,  
Наврўз Шарқнинг улуғ байрами.



Ҳамзабек ЁКУБОВ,  
Хоразм вилояти.

## СУМАЛАК

Шифобахш, роҳатбахш бу муқаддас таом,  
Танни бор иллатлардан эритар мудом.  
Халқ уни яхши ният ила тайёрлар  
Ҳар йили келганида Наврўзи айём!  
Наврўзнинг азиз таомидир – сумалак!  
Аждодлар буюк инъомидир – сумалак!  
Бу қутлуғ сўз келар – замонлар қаъридан,  
Эрадан ҳам неча минг йиллар наридан.  
“Авесто”да унинг қутлуғ номи бордир!  
Халқ қалбида чуқур эҳтироми бордир.  
Баҳорнинг азиз таомидир – сумалак!  
Аждодлар буюк инъомидир – сумалак!  
Неча минг йилларни ортларда қолдириб,  
Ҳали-ҳамон яшаб келади сумалак.  
Не-не жоҳилларни доғларда қолдириб,  
Халқ қалбида асраб келади – сумалак.  
Кўкламнинг азиз таомидир – сумалак!  
Аждодлар буюк инъомидир – сумалак!  
Офтоб ёрқин нурларин сочгани мисол –  
Диёримда юз берди буюк истиқлол!  
Тикланди халқнинг асл қадриятлари!  
Кулди юртимга – омад ва бахт-иқбол!  
Юртимнинг азиз таомидир – сумалак!  
Аждодлар буюк инъомидир – сумалак!  
Неча замонлар ўтди довлар ошиб,  
Халқим эъзозлаб келар меҳрини қўшиб.  
Ҳар йил Наврўз келганда бу – Она халқим  
Сумалак тайёрлар қалбан, меҳри жўшиб!  
Наврўзнинг азиз таомидир – сумалак!  
Аждодлар буюк инъомидир – сумалак!



Эшниёз БУРХОНОВ,  
Қашқадарё вилояти.

### Баҳор таомлари

## КЎКЛАМНИНГ ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАРИ

### Сумалак

Сумалак – баҳорнинг дармондорига бой, ҳаётбахш, табаррук таомидир. У қонимизни тозалаб, жисмимизни тетиклаштиради, саломатлигимизни тиклайди, куч-қувватимизни



оширади. Сумалак ўта тўйимли ва мазали бўлгани учунгина эмас, шифобахш фазилатларга бойлигидан ҳам унга ҳурмат, эътиқод юксақдир.

1936 йилда немис олимлари Эмерсон ва Эванс ўтказган тадқиқотлар бўғдойда «токоферол» деб аталувчи модда мавжудлиги, у женьшень таркибида учрайдиган Е витаминининг ўзгинаси эканлигини аниқлашган. Олимларнинг таъкидлашича, сумалак гипертония, сурункали гепатит касалликларига яхши даво бўлиб, қон таркибини яхшилайдиган, ошқозон-ичак фаолиятини нормаллаштириб, асабни тинчлантиради.

### Исмалоқ

Ибн Сино исмалоқ баргидан тайёрланган қайнатмани йўтал, ич қотишга қарши, сафро-ўт ҳайдовчи омил сифати-

да тавсия этган. Исмалоқ камқонлик, оғриқ қолдирувчи, парҳез таом сифатида фойдали бўлиб, унинг таркибида С, В1, В3, В6, РР, К, Е каби витаминлар мавжуд. Унда темир, йод, фосфор, калий, кальций, магний каби маъданлар учраб, бедармонлик, талоқ, ўпка ва асаб касалликларига даво бўлиб, пешоб ҳамда дам (ел) ҳайдаш хусусиятига эга. Исмалоқдан баҳорда шўрва, пюре, кўксомса ва салат тайёрланади.

### Ялпиз

Ялпизнинг шифобахшлигини Ибн Сино куйидагича таърифлайди: «Бир неча кунгача уни еб, кетидан сузма зардоби ичиб турилса, веналарни кенгайтиради. Ялпиз ичиш моҳовга фойда қилади... Айниқса, анжир билан бирга ейилса, кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ хилларни ҳайдайди. Ялпизнинг ёввойиси иштаха камлигида, меъда заифлигида, ҳиқичоқ тутганда фойда қилади». Халқ табобати амалиётида ялпиз қайнатмаси тиш оғриғи, оғиз қакраши, милк яллиғлиниши ва бошқаларда қўлланилади. Унинг қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём тутқаноққа, ўсимлик шираси эса сарик касаллигига фойдали ҳисобланади. Ўсимлик шарбати кўтирни даволашда ижобий натижа беради. Ялпизда эфир мойлари, органик кислоталар, флавоноидлар, витамин С, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, минерал туз ва бошқа моддалар мавжуд. Ялпиздан ошқўк, зирavor сифатидан ташқари, баҳорда жағ-жағ, исмалоқ, кўкпи-



ёз билан бирга чучвара, манти, нон ва сомсалар тайёрланиб истеъмол қилинади.

### Ҳалим

Ҳалимни тайёрлашдан мақсад, қишдан ҳориб-толиб чиққан киши танасида вужудга келадиган озукавий моддаларни тиклашдан иборат бўлиб, уни тайёрлашда қўлланиладиган маҳсулотлар бўғдой, ёғ, гўшт ҳисобланиб, улар оқсилга жуда бойдир. Олимларнинг таъкидлашича, оқсил инсон организмда «қурилиш материал» вазифасини бажаради. У организмнинг касалликларга курашиш қобилиятини оширади. Халқ табобатида ҳалим таркибидаги экстрактив моддалар меъда-ичак фаолиятини яхшилаши, марказий асаб тизимига ижобий таъсир қилиши, мия, юрак ҳаракатини фаоллаштиришга ёрдам бериши исботланган.

А. ТОҲИРИЙ,  
Тошкент врачлар  
малакасини ошириш  
институтини катта  
ўқитувчиси.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 9515 нусха.  
Буюртма Г-345.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.  
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.



